Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 6 июль, пайшанба. №80 (21.843.) Сотувда эркин нархда.

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИ

4 июль куни Тошкентда республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик саноат корхоналари барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди, деди Ислом Каримов. Чунки республика аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшайди. Бошқача айтганда, 3 миллион 600 минг қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,5 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг аҳволи ҳамда уларни жадаллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида, Бош вазир ўринбосари — ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилдилар.

Мазкур кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш, унинг таркибини кенгайтириш ва янгилаш, 1995 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).



СУРАТДА: мажлис пайти.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИК «ВИРУСИ»НИ ЮҚТИРАЙЛИК

Президент ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгашнинг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида (бу ҳақда Миллий ахборот агентлигининг муфассал ҳисоботи билан келгуси сонда танишасиз) ниҳоятда муҳим масалалар қаторида одамларимизга чинакам тадбиркорлик «вирус»ларини юқтириш зарурлиги баралла янгради. Инсоннинг юрагида янгича ишлашга астойдил иштиёқ бўлмаса, бутун вужуди билан бозор муносабатларига берилмаса ташқи таъсирдан наф йўқ.

Шифокорлар тилида «инъекциялаш» деган ибора бор. Ифодали қилиб айттанда ёшларимиз онгига бозор иқтисодиёти тушунчаларини инъекциялаб, сингдириб боришимиз керак. Бундай шароитда «эмланган» ходимлар ҳам гафлатда қолмайдилар. Мамлакатда қанчалаб механизатор тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларимиз бор. Нега ана шу даргоҳларнинг ихтисослигини бугунги бозор талабларига мослаштириш мумкин эмас?! Бу ерда ўқийдиган йигит-қизларимиз умрнинг қимматли вақтларини бозор қонунларига кўра яшашни ўрганишга, бизнес сир-асрорларини эгаллашга сарфласинлар. Бу таклиф том маънода янги бўлиб, таълим тизимини ҳаётнинг ана шу талабига кўра тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ҳа, ҳар бир киши тадбиркорлик «дардига мубтало» (ижобий маънода, албатта) бўлмас экан, кўзланган мақсадга столни муштлаб, тазйиқ ўтказиб эришиб бўлмайди. Идоралараро кенгаш мажлисида берилган кўплаб сабоқлардан бири шу бўлди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбек халқининг асрий орзуси ушалган, Ўзбекистон давлат мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинган кунга ҳам ҳадемай тўрт йил тўлади. Шу кунларда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоаларида бу улуғ байрамни муносиб нишонлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Партиямиз МК Котибияти шу муносабат билан «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланган тадбирлар режаси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди ва уни тасдиқлади.

Режага кўра, маҳаллий партия ташкилотлари аҳоли турли қатламлари ўртасида маърузалар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ва анжуманлар ўтказадилар. Мустақиллик куни олдидан партиямиз фаоллари ҳамда олимлар, ёзувчилардан иборат махсус тарғибот гуруҳлари фаолият кўрсатадилар. Улар меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида, шунингдек, маҳаллий матбуот саҳифаларида, телевидение ҳамда радиода чиқишлар қиладилар.

Қарорга биноан, барча даражадаги партия кенгашлари ва ташкилотларига байрам тадбирлари ўтказишда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг тарихий аҳамияти ва тақдириломон моҳияти, мамлакатимизда туб ислоҳотларнинг бориши ва унинг ҳозирги босқичидаги вазифалари, И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ бартараф этиш, аҳолини, хусусан, унинг эҳтиёжманд қисмларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларини аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиш тавсия этилади. Юртимизда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган республикамиз ҳукумати сиёсатини тарғиб қилиш, кишиларни ватанпарварлик, иноқлик, ташаббускорлик руҳида тарбиялаш, уларнинг боқимандалик кайфиятларидан тезроқ қутулишларига кўмаклашишга алоҳида эътибор бериш муҳимлиги қарорда таъкидлаб ўтилди.

ХДП маҳаллий ташкилотлари зиммасига байрамга пухта тайёргарлик кўриш ва тадбирларни ўтказишда бошқаларга ибрат кўрсатиш, айни пайтда, бу ишда давлат идораларига яқиндан кўмаклашиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифаси юклатилди.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

Республикамизда ВКП Марказий Комитетининг аъзоси Нгуен Ван Чи бошчилигидаги мазкур партия делегацияси меҳмон бўлиб турибди.

Куни кеча вьетнамлик меҳмонлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида қабул қилиндилар. Партиямиз МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мамлакатимизда Президент И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг тақдириломон аҳамияти, Ўзбекистонда демократик тамойиллар, кўппартиявийлик тизими қарор топаётганлиги хусусида сўзлаб берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ғоя ва мақсадлари, ташкилий тузилмалари, унинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутаётган ўрни, мавқеи ва яқин истиқболдаги вазифалари хусусида тўхталди.

Вьетнам делегацияси раҳбари ҳар икки мамлакат халқларининг узоқ дўстона алоқалари ривожланиб бораётганлигини, улар ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янги погонага кўтаришнинг аҳамиятини таъкидлади. Учрашувда партиялараро муносабатларни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди.


Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. А. Кочмарик, ВСРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Ван Дак ҳозир бўлдилар.

Вьетнамлик меҳмонлар Ўзбекистон билан танишувни пойтахтдаги Алишер Навоий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилишдан бошладилар, буюк мутафаккир шоир ва давлат арбоби ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, унинг тарихий ва маданий осору атиқаларини кўздан кечирдилар. «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Ўзэлектржиҳоз» илмий-ишлаб-чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаларининг фаолияти билан танишдилар. Республика Ташқи ишлар вазирлигида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ХДП шаҳар кенгашида қабул қилиндилар.

Ташриф дастурида меҳмонларнинг Самарқандга сафари пойтахт вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишуви ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Мустақиллик манзаралари



Буюк ипак йўлининг бугунги карвонлари.

Владимир МОЛГАЧЁВ.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

Суҳбатдошимиз ҳақида: А. Ш. Салоҳиддинов 1956 йилда туғилган, меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлаб, қатор йиллар партия идораларида ишлаган. Ўзбекистон ХДП Боғишамол туман партия кенгашида котиб, шаҳар кенгашида ташкилий бўлим мудири бўлди. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлимини бошқарди. 1994 йилдан буён Самарқанд шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби.

Севган машғулоти — одамлар билан суҳбатлашиш, қизиқарли тадбирлар ўтказиш. Лоқайдлик ва масъулиятсизликни жуда ёмон кўради. Оилали.



— Аъзам Шавкатович, ишлар, кайфиятлар қандай?

— Худога шукур, кўп қатори. Бу деганимнинг боиси шундаки, ҳозирги шароитда ҳаммага ҳам осон эмас. Мустақилликнинг бугунги босқичи барчамизни синовдан ўтказмоқда. Партияларни ҳам. Навбати билан шаҳардаги барча маҳалла ва корхоналарда, ўқув юртларида шаҳар партия кенгаши кунлари ўтказаяпмиз. Аввалига ўша жамоа аъзоларининг иш фаолияти билан танишамиз. Агар қўлимиздан келса, айрим муаммоларни ҳал қилишда уларга ёрдам берамиз. Кейин учрашув бўлади. Бундай мулоқотларга жамоа талабига кўра бошқа касб мутахассисларини ҳам таклиф этамиз. Масалан, молия коллежига прокуратура ходимлари, «Красный двигатель» заводига эса ижтимоий таъминотчилар ташриф буюрдилар.

— Партиявий таъсир меҳнат жамоасидан кўра яшаш жойларида кўпроқ самара беради, деган гап бор...

— Аввалambор, фидойилик кўрсатсак, амалий ишни кўпроқ қилсак, ҳамма жойда ҳам таъсиримизни ўтказа оламиз. Биз халқнинг маданий-маърифий, тарбиявий марказига айланган маҳаллаларда таянч ташкилотларимизни тузганмиз. Жумладан, «Пули Мирзо» маҳалласи бошланғич ташкилотининг ташаббуси билан бу ерда жуда катта маиший-савдо мажмуаси қурилди. Сайид ошиқ зиёратгоҳи таъмирланмоқда. «Оби Маҳшад» маҳалласи партия аъзолари эса оқсоқол Мамажон Аҳмедов раҳбарлигида спорт мажмуаси яратдилар. «Халифа Иброҳим» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти қошида хотин-қизларнинг доимий фаолият кўрсатувчи «Рухшона» клуби ташкил этилган.

— Бундай тажрибаларни кенг ёйиш, оммалаштириш ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмисизлар?

— Албатта. Партия аъзоларимиз бўлган Сиёб туман раҳбарларининг аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш борасидаги фаолиятини партия кенгаши ижроия бюросида кўриб чиқдик ва маъқулладик. Бу ҳақда махсус плакат ҳам чиқардик. Усмон Юсупов, Ғафур Ғулом номли, Бекмаҳалла, Эски Қаландархона, Деволи кўндаланг маҳаллалари фаолияти ҳақида ҳам ана шундай илиқ гапириш мумкин.

— Аъзам Шавкатович, кейинги сайловлар партия фаолиятига ўзгартиш киритдими?

— Ўзгариш киритганда қандай. Энди сиёсатимизни депутатларимиз орқали ўтказяпмиз. Улар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Умуман шаҳар ҳудудида депутатлик ўрнининг тенг ярмини қўлга киритдик.

Яқинда депутатлардан Суҳроб Рафиқов ва Шавкат Бақоевларнинг ташаббуси билан Сиёб туманида мини футбол бўйича биринчилик ўтказилди. Байрамга айланиб кетган бу тадбирда 25 дан ортиқ жамоа иштирок этди. Ишбилармонлар, корхоналар турли совринлар қўйишди.

Партия кенгаши қошида депутатларнинг, фаолларнинг «Мулоқот» баҳс клуби ишлаб турибди. Бундан ташқари, депутатларнинг қабулини ташкил этганмиз.

— Расмиятчилик учун эмасми бу тадбирлар?

— Айримларга шундай туюлиши мумкин. Лекин биз уларни жонли ташкил этяпмиз. Хусусан, Самарқанд университети олимлари, журналистлар қўшилгандан кейин «Мулоқот»нинг мавқеи кўтарилди. Дарвоқе, қабул кунида Шота Руставели кўчасида яшовчилар бу ерда савдо маркази қураётган ишбилармонлар маҳалладаги улкан чинорларни кесиш ниятида эканлигини айтишди. Масала жойида бориб ўрганилди ва ижобий ҳал қилинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Бу тадбирлар партия ташкилоти сафини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган бўлса керак, тўғрими?

— Албатта, «Мени сафингизга қабул қилишингизни сўрайман» деган аризалар сони камайган эмас. Энг қувончлиси шундаки, уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Маҳаллаларнинг кўплаб оқсоқоллари ҳам бизнинг сафимизда бўлишни истаяптилар. Кейинги вақтда 500 нафар кишига партия билети топширилди. Умуман, аъзоларимиз сони ҳозир 5 мингдан ошиб кетди. Тизимимизда 153 та ишлаб чиқариш ва 93 та ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари бор.

Яна бир нарса. Айрим партия ташкилотларимиз маъмуриятга, корхона раҳбарларига у ёки бу муаммони ҳал қилишда яқиндан ёрдам бермоқдалар, бундай ҳамкорлик партиямизга бўлган ҳурматэътиборни оширмоқда. Нон комбинати, кондитер фабрикаси, «Нарзия», «Ҳужум» фабрикалари, «Бофанда», «Нафис» ҳиссадорлик жамиятлари партия ташкилотлари ҳақида ана шундай, дейиш мумкин.

— Ниятларингиз...

— Партиямиз ўзининг тўртинчи ёшига қадам қўйди. Ўтган уч йилнинг ҳар бир лаҳзаси биз учун сабоқ, мактаб бўлди. Муҳими, халқ ўртасида обрўга эга бўлдик, ўз фаолият йўлимизни белгилаб олдик. Жамият тараққиёти энди янги босқичга кирди. Сиёсий партиялар сони ошмоқда. Лекин бундан чўчимаслик керак. Бу йўлда партиядошларимга, сафдошларимга сабру бардош ва жўшқинлик тилаб қоламан...

«Ўзбекистон овози» мухбири Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

Аъзам САЛОҲИДДИНОВ:

«ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛАВЕРМАЙДИ

уни қўлга киритиш учун фидойилик кўрсатиш, кўпроқ амалий иш қилиш керак»

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

МИШ-МИШ РАД ЭТИЛДИ

Покистон ҳукумати Буденновскдаги қўпорувчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган Шамил Басаевнинг қаердалиги ҳақидаги маълумотга эга эмас, дейилади Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг Исломободдаги Россия элчихонасига берган баёнотида. Унда Шамил Басаев айни пайтда Покистонда яшамоқда, деган хабар рад этилган.

Исломободдаги Россия элчихонаси вакили РАТА-ТАСС мухбирига айтишича, Покистон ушбу хабарни кескин қоралаган ва уни уйлаб топилган миш-миш, деб атаган.

ДАРОМАД КАМАЙМОҚДА

Ҳукуматнинг барча қилган ҳаракатига қарамай Россия Федерацияси аҳолисининг даромади борган сари камайиб бормоқда. Меҳнат вазирлигининг маълумотига қараганда, аҳоли даромади шу йилнинг беш ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача 5 фоизга, ҳар бир ишчи бошига олинадиган маош эса 29 фоизга қисқарган.

СУВ ТОШҚИНИ ЮЗ БЕРДИ

Хитойнинг жанубида кучли жала туфайли сув тошқини юз берди. Натижада юзлаб киши қурбон бўлган, 34 миллиондан ортиқ киши зарар кўрди. Айни пайтда мамлакатдаги 9та вилоятда қаттиқ жала қуймоқда. Сув тошқини 2,2 миллион гектар экинзорларни ювиб кетди. Айниқса, Унан ва Цзянси вилоятлари катта зарар кўрди, деб хабар қилади сув тошқини ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича давлат штабининг вакили.

ЁРДАМГА КЕЛАЁТГАН МАШИНАДАН ҚУРОЛ ТОПИЛДИ

Босния мусулмонларига инсонпарварлик ёрдами келтираётган автомашиналардан қурол-яроғ топилганини БМТ вакили расмий равишда тан олди. Бироқ, Хавфсизлик Кенгаши Босния серблариданн ушбу автомашиналарнинг ўтишига ҳалақит бермасликни талаб қилган.

БМТ Бош котибининг расмий вакили Фред Экхарднинг айтишича, «Қурол-яроғ солинган иккита қути юк машиналаридан бирининг ўтирғичи тагидан топилган».

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ҳамкасбларимиз ҳаётидан

АНДИЖОН КЎЗГУСИ

Яқинда матбуот ходимлари, айни пайтда кенг жамоатчилик мазкур соҳа ходимлари кунини дилда ифтихор билан нишонлашди. Анжуман ва давраларда ижодий жабҳа жонкуярлари шаънига илиқ гаплар айтилди, журналистларнинг фидокорона меҳнати таъкидланди. Бундай сўзлар қаламкашлар илҳомига илҳом қўшиши, ўз ишига нисбатан рағбатини ошириши шубҳасиз. Журналист меҳнати эса бир кун билан чегараланмайди. Сўз қудрати-ла оммани олға чорлаш, ҳаётдаги хато ва камчиликларга қарши курашиш йил бўйи давом этади.

Шу йилнинг 30 майида «Андижоннома» вилоят газетаси 74 ёшга тўлди. Демак, чоракам бир асрлик қутлуғ манзил сари одим ташлаётган мазкур даврий нашр босиб ўтган йўлига баҳо бериб, янги режалар белгилаш арафасида турибди. Икки оғиз сўз анъаналарнинг аҳамияти ҳақида. Бир қарашда газета шунча ёшга кирса нима бўлибди, ахир ҳозирги жамоадагилар ичида 74 йил олдин ишлаганлар йўқ-ку, дейишлари мумкин. Лекин ўтган ана шу давр ичида нафақат таҳририят даргоҳида, балки газетхонлар қарашида ҳам катта бир анъана таркиб топганки, унга кеча иш бошлаган ёш журналист ҳам бирдай дахлдордир.

— Одамлар фикрини ўзгартириш, ҳуқуқий билимларни кенг омма онгига сингдириш борасида газетамизнинг ўрни алоҳида, — дейди «Андижоннома» бош муҳаррири Абдумуталиб Абдуллаев. — Айни пайтда мулкни давлат тасарруфидан чиқарганлар фаолияти, кўчмас мулк тақдири билан қизиқяпмиз. Таҳририятда шундай тажриба ўтказилди: газетанинг 4-саҳифасини қизиқарли чиқариш бўйича мусобақа ташкил этилди. Бу ишга масъул котиб, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби, вилоят кенгаши депутати Муқимжон Ниёзов бошчилик қилди. Яқинда чиқарилган якун бўйича «Самимийлик, тантилик, мардлик» саҳифасини тайёрлаган бўлим мудири Комилжон Нишонов ғолиб деб топилди.

Таҳририят республика мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан вилоятнинг барча шаҳарлари ва туманларида амалга оширилаётган қатор ўзгаришлар ҳақида махсус саҳифалар эълон қилмоқда.

Хурматли газетхон! Келинг, «Андижоннома»да босилган баъзи мақолалар билан сизни таништирайлик.

МЕНИМЧА, МЕНИМЧА...

Биз Жалолқудуқ туманининг турли қишлоқларида бўлганимизда, эл орасида танилган кишиларга **«Мустақилликни қандай тушунасиз?», «Қандай йўл тутсак, ҳозирги қийинчиликлардан тезроқ қутуламиз?», «Келажакни қандай тасаввур қиласиз?»** деган саволларни бериб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик.

Ёқубжон САИДОВ — Оҳунбобоев шаҳар Сўфиқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг оқсоқоли:

— Мен мустақилликни халқимизнинг пок орзу-ниятлари рўёбга чиқиши учун ёруғ йул, деб тушунаман. Биз ҳозир шу ёруғ йўлга энди тетапоя булиб чиқдик, холос. Дадил юриб кетиш учун ҳамжиҳат машқ, ҳаракат керак.

Ҳозирги қийинчиликлардан тезроқ чиқиш учун якка ишлаб чиқаришдан кўра, жамоа ишлаб чиқаришини барқарорлаштириш зарурроқ деб уйлайман. Катта йирик корхоналар барқарор ишласа, юрт равнақи тезлашади.Худо хоҳласа, Узбекистонимиздаги осойишталикка путур етмаса, 10-15 йил ичидаёқ халқ фаровон яшаш йўлларини урганиб олади. Халқ турмуши фаровонлашса — юртдаги ободончилик ҳам кенгайиши шубҳасиз.

Қобилжон ТИЛЛАВОЛДИЕВ — Тешиктош қишлоғи фуқароси:

— Менимча, мустақиллик — буюк неъмат, уни қора ниятлилардан асраш керак. Бунинг учун уз эркимиз ўзимизда эканлигини халққа тезроқ намоён қилмоғимиз даркор. Зеро, халқнинг аксарияти кўз билан кўриб, қўл билан тутганига кўпроқ ишонади.

Бозорлардаги нарх-наво, аниқроғи, мавжуд маҳаллий хом ашё, чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари олди-соттилари узлуксиз назорат қилинса, бозорда барқарорлик юзага келади, бундан халқ ютади. Афсуски, ҳозирча назоратда мунтазамлик бўлмаяпти.

Келажагимизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан ҳозирги ёшларимизни қандай тарбиялашимизга боғлиқ. Агар «Соғлом авлод» тўғрисидаги ниятимиз амалга ошса, зурёдларимиз соғлом жамиятда яшайдилар.

ЭГИЗАКЛАР — ФОТИМА-ЗУҲРА, ҲАСАН-ҲУСАН, ЭСОН-ОМОН

Булоқбоши тумани, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ўрамида истиқомат қилувчи Анорхон опа ва Абдурасул ака Раҳмонов яшаш йўлларини урганиб олади. Халқ турмуши фаровонлашса — юртдаги ободончилик ҳам кенгайиши шубҳасиз.

Қобилжон ТИЛЛАВОЛДИЕВ — Тешиктош қишлоғи фуқароси:

— Менимча, мустақиллик — буюк неъмат, уни қора ниятлилардан асраш керак. Бунинг учун уз эркимиз ўзимизда эканлигини халққа тезроқ намоён қилмоғимиз даркор. Зеро, халқнинг аксарияти кўз билан кўриб, қўл билан тутганига кўпроқ ишонади.

Бозорлардаги нарх-наво, аниқроғи, мавжуд маҳаллий хом ашё, чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари олди-соттилари узлуксиз назорат қилинса, бозорда барқарорлик юзага келади, бундан халқ ютади. Афсуски, ҳозирча назоратда мунтазамлик бўлмаяпти.

Келажагимизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан ҳозирги ёшларимизни қандай тарбиялашимизга боғлиқ. Агар «Соғлом авлод» тўғрисидаги ниятимиз амалга ошса, зурёдларимиз соғлом жамиятда яшайдилар.

ЭГИЗАКЛАР — ФОТИМА-ЗУҲРА, ҲАСАН-ҲУСАН, ЭСОН-ОМОН

Булоқбоши тумани, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ўрамида истиқомат қилувчи Анорхон опа ва Абдурасул ака Раҳмонов оиласи эгизакларга бой. Хонадон бекаси уч марта кўз ёриб 6 фарзандли бўлган. Эгизаклар Фотима-Зуҳра, Ҳасан-Ҳусан, Эсон-Омонлар ҳозир уйли-жойли бўлишган. Уларнинг якка туғилган ўғил-қиз укалари ҳам бор.

Фарзандлар ардоғига эътиборли халқимиз бахтли отаонани ҳурматлашиб, эгизакларни эҳтиётлайди.

МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВАНИНГ ПЛАСТИНКАСИ — ПАРИЖДА

Ширмонбулоқ қишлоғида оддий шофёр оиласида туғилиб ўсган Муножот Йўлчиева ҳозир элга танилган хонанда. Яқинда у Францияда концерт дастурини намойиш этди.

Сафардан хонаданинг ўзи ҳам хурсанд қайтди. Парижда Муножот Йўлчиеванинг 12 та ашуласи ёзилган лазер пластинкаси чиқарилди.

Францияда ўзбек классик ашулаларининг жаранглашини мустақиллик меваси деса бўлади.

ТАШКИЛОТ

Пул ўтказиш йўли билан сўмларга Д 8237, ДА 8237, ДБ 8237 русумидаги пресслаш асбоб-ускуналарининг эҳтиёт қисмларини ТАКЛИФ ЭТАДИ

Алоқа учун телефонлар : 45-55-56, 45-70-65.
Телефакс: 45-56-65.

Муносабат

ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Дунёни одамлар эмас, ғоялар бошқаради, деган фикр жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. Юзаки қараганда оддий гапдек туюлган бу фикр асли бой фалсафий маънога эга, зеро, инсоният тарихидаги ҳар қандай шахс, сиёсий партия ёки ҳаракат фаолиятига чуқур назар солсак, улар албатта, маълум ғояларга қатъий амал қилганликларини ва шу асосда ўз фаолиятларини ташкил этганликлари ҳамда маълум натижаларга эришганликларини кузатамиз.

Куч адолатда эканлигига эътиқод қилган ва бутун салтанат ишларини ушбу ғоя асосида амалга оширган улуғ бобокалонимиз Амир Темур, тарихийлик мезони билан қараганда, халқпарвар, инсонпарвар ва тараққийпарвар буюк давлат арбоби эди. Бинобарин, буюк мамлакатда фан, санъат, адабиёт, маданият ва савдонинг эркин ва гуркираб ривожланишига кенг имкониятлар яратилди.

Шунинг оқибати ўлароқ, унинг давлати бутун инсоният камолотига улкан ҳисса қўшди.

Ўз ҳаёти моҳиятини яхшиликда, адолатда, мурувватда, одамийликда кўрган ва бутун онгли фаолияти давомида шу ғояларга содиқ қолган улуғ мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлик ғоялари шу кеча-кундузда ҳам барчамизни тўлқинлантирмоқда.

«Шу азиз Ватаннинг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш ҳар бир инсон учун катта бахт эканлигида ўзининг фуқаролик ва Президентлик фаолияти мақсадини кўрган, Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши лозимлиги ғоясига қаттиқ ишонган, шу мақсадда тинимсиз меҳнат қилаётган, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида мураккаб ислоҳотларни сабот ва матонат билан амалга ошираётган И. Каримовнинг ғоялари, ислоҳотлар таълимоти ва сиёсати туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалламоқда.

Шу нарсага имон келтириш мумкинки, жамият ва унинг алоҳида аъзолари ҳаётида маълум бир ғоянинг роли беқиёсдир. У ёки бу ғоя, тўғри ёки нотўғри, одил ёки ноодил эканлигидан қатъи назар, жамият ҳаётини, инсон фаолиятини йўналтириб туради. Бинобарин, ғоялар, таълимотлар халқпарварликка, инсонпарварликка, адолатга, тараққиётга чорласа, жамият гуллаб яшнайди, халқ тинч-тотув, фаровон, мағрур ва озод яшайди. Шу сабабли истиқлол мафкураси тўғрисида гап кетар экан, мамлакатимизда барчанинг — фуқародан давлат арбобигача соғлом ғоялар билан қуролланиши назарда тутилади. Демак, Миллий истиқлол мафкурасидан мақсад — жамиятнинг ҳар бир аъзосида унинг адолатли ва соғлом ривожланиши учун зарур бўлган ғоялар, эътиқод ва қадриятларни шакллантиришдир.

Исмоил АЛЛАЁРОВ, педагогика фанлари доктори.



Аёл кишининг аввало оқила бўлишлиги ҳақида кўп гапирилади. Агарда унда тадбиркорлик хислатлари ҳам мужассам бўлса-чи? Ана унда нур устига аъло нур.

Ушбу суратда сиз кўриб турган Қимматхон Ниёзованинг меҳрибон онаю, оқила ва тадбиркор аёллигини шундоқ кулиб турган юз-кўзларидан сезган бўлсангиз ажабмас. У 16 йилдирки тикувчилик касбини ардоқлайди. Яқинда Қимматхон ўзи туғилиб ўсган Тошлоқ тумани «Навбаҳор» ширкатлар уюшмасида «Навбаҳор» кичик тикувчилик корхонасини очди. Қувонарлиси, ҳамқишлоқларидан 15 нафар қиз-жувонга бу ерда тикувчилик билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратиб берди. Эндиликда улар ҳам тадбиркор опаларига эргашиб, кийим-кечаклар тикишмоқда.

СУРАТДА: моҳир тикувчи Қимматхон Ниёзова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Қалб нидоси

ҚАЧОН ТЕЖАМКОР БЎЛАМИЗ?

Мендан кўпинча Америкада энг таъсир қилган нарса нима деб сўрасалар, тежамкорлик деб жавоб бераман. Тежамкорлик туфайли Америка дунёдаги энг бой мамлакатга айланган. Бизда-чи? Кўп соҳада исрофгарчилик. Мен фақат икки нарса хусусида тўхталмоқчиман: газ ва сув.

Тошкентдай азим шаҳарнинг бир неча жойида қишин-ёзин газ ёниб ётади. Фақат Марказий темир йўл вокзали майдонида мустақилликка қарши курашганларнинг номини «абадийлаштириш» учун ўн рўзғорга етарли газ куну тун бекорга ёниб ётибди. Бирodарлик қабристонида... вилоятлардаги колхоз, совхоз идоралари олдида... Улуғ кишилар номларини мармар тош ёзувлар билан абадийлаштириш мумкин эмасми? Қачонгача биз келажак авлоднинг ризқи-насибасини кўкка совурамиз? Бу эскичасида ҳам, янгичасида ҳам гуноҳ-ку?! Гуноҳ бўлганда ҳам гуноҳи азим. Ҳадиси шарифда ҳам енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар , дейилган. Биз газни ҳаддан ташқари исроф қиляпмиз-ку!

Тошкентнинг Абдулла Қодирий кўчаси ва боғи атрофида, Семашко даволаниш биносини олдида... водопровод жўмрагидан эрталабдан кечгача минглаб литр тоза ичимлик суви оқиб ётибди. Бу сув билан машина ювамизу, лекин айрим туманларда тоза ичимлик суви етишмаслигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Мен иқтисодчи эмасман, лекин аниқ биламанки, фақат газ ва сув бўйича халқимизнинг миллионлаб сўми бекорга кўкка совуриляпти.

Биз қанчалик чексиз бойликка эга бўлмайлик, унинг чегараси бор. Бир кун келиб тугайди. Келажак авлод олдида уятга қолишни истамасак, ҳар соҳада исрофгарчиликка қарши умумхалқ курашини бошлашимиз керак.

Эргаш УМАРОВ, тилшунос олим.

Табиат ва инсон

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

- *Оролнинг кўз ёшлари*
- *Қизилқумда қурғоқчилик*
- *Қуриб битган қудуқлар*
- *Йўлидан сўқмоғи кўп*
- *Қўйлар нега қувғинда?*
- *Дард устига чипқон-ку!*

Етмиш йилдан зиёд ҳукмронлик қилган қизил салтанат, шўролар ҳукумати бошида гул унган гулига, биёбон саҳросига булбул қўнган жаннатмисол Ўзбекистонни ердан, сувдан айирди. Ўзига, сўзига бек бўлган ўзбекни саводсизликда, уқувсизликда айблади. Энг ачинарлиси, бир пайтлар довруғи довон ошиб, етти иқлимга ёйилган Туронзаминнинг заррин камарлари, оби-ҳаёт томирлари бўлган Аму, Сир, Зарафшон дарёларини ўзанидан айирди. Фарғона даштлари, Мирзачўл саҳролари, Бухоро чўлларини ўзлаштириш баҳонасида Оролдай ҳайбатли уммондан дарёларни қайтариб олди.

Лекин нолийверган билан иш битса, Орол тўлса кошки. Эндиликда нафақат ўзбекнинг, балки қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман халқларининг дардига айланган Орол бот-бот кўз ёшларга, алам ва ҳасратларга сабаб бўлмоқда. Чунки Орол денгизи келтириб чиқараётган фожеа, мазкур уммондаги оби-ҳаётнинг пасайиши оламшумул, давлатлараро ечимталаб муаммони юзага келтирди. Шу боис юртбошимиз Ислом Каримов Оролни қутқариш бўйича нуфузли ташкилот тузиб, бошқа қардош республика Президентлари диққатини ҳам бу ишга жалб этди. Оқибатда Оролни қутқариб қолиш минтақавий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ва бу хайрли ишга бошқа республикалар, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳам маблағ ажратяпти.

Нима бўлганда ҳам Орол сувга тўлиши керак, тўлмаса Қорақум, Қизилқумдай сарҳадсиз яйловлардан, маъмурчилик масканларидан путур кетиши, мазкур ҳудудни оппоқ шўр босиши табиий. Зеро, қўйларга, йилқи ва туяларга макон бўлган ранг-баранг ҳайвонот оламини, ноёб қушлар, турфа гиёҳлар дунёсини яратган бу чўллар йиллар ўтиб тушга айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис рўзномамизда атроф-муҳит ифлослиги, табиат мувозанати дарз кетиши, қудуқлар кўзи юмилиб қолиши хусусида бот-бот чиқишлар қиляпмиз.

Гап фақат табиат танглиги, экологик мувозанат ёхуд Оролнинг қуриб боришида эмас, албатта. Гап Қорақум, Қизилқумдай саррaси олтинга тенг сарҳадларнинг емирилиб, топталиб, қаровсиз ҳолга келиб қолаётгани хусусида бораяпти. Ҳа, олтмишинчи, етмишинчи йилларга қадар Қизилқум, Қорақота, Авангард, Бурунчоқ, Учқудуқ, Томдибулоқ яйловларида энг ноёб, табобат учун қўлланса бўладиган юзлаб ўсимликлар турлари ўсган. Биз баҳорда юз кўрсатадиган тоғ лоласи ва қир қизғалдоғинигина назарда тутаётганимиз йўқ, албатта. Минг дардга даво бўлган шувоқ, каррак, янтоқ, қизилмия, қунғирбош, нўҳатак, қарамисак, зира, қийик ўти, исмалоқ сингари ўтўланларнинг йўқолиб бораётганидан, афсусдамиз. Хатто, саҳро саксовулига қирон келаётгани, чўл ўсимлиги юлғун қуриб қолаётганидан ачинамиз.

Бунинг устига яйлов санитарлари — туя, бўри, тулки, шоқол, жайра, бургут, қирғий, кийик, архар, жайрон, тустовуқ, каклик, ёввойи каптарларни айтмайсизми? Ҳаммаси турғунлик йилларининг, «ура-ура»чиликнинг қурбони бўлди. Бу ўсимликлар ва ҳайвонларни овчилар, подачилар эмас, аслида табиатга бефарқлик, яйловларни ўзлаштириш ва қазилма бойликларни излаш тамом қилди. Келинг ҳаммамиз ҳушимизни йиғиб олайлик, ахир ҳаммамиз ҳам шу табиатнинг фарзандларимиз-ку! Ахир, ҳар бир қарич ер ҳам кўзга тўтиё эканлигини, у келажак авлод учун асқотишини ҳам унутмайлик-да! Масалан, кимки хизмат сафари билан Учқудуқ ёки Зарафшон шаҳрига борган бўлса, уюм-уюм ахлатхоналарни, рухсат этилмаган йўлак ва қазилган жойларни кўриб асаби таранглашади.

Бу ҳам етмаганидек, кон изловчиларни айтмайсизми? Ахир, улар ҳам олмоқнинг бермоғи бор эканлигини унутишмасинда! Ер ости бойлигини олиш учун ҳандақлар кавлаш, қувурлар ётқизиш ерости сув йўналишларига ҳам таъсир этмай қолгани йўқ. Қизилқумда бу хилда ишлаш оқибатидан Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа, Ғиждувон, Нуробод туманларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг қўлбола насосларидан чиққан сув тамомила истеъмолга яроқсиз. Бунинг устига суғориладиган ерларни зах, шўр босиши тобора кучаймоқда. Шу ҳудудда кенг тарқалган юқумли касалликларни қисман Қизилқум қисматидан дейиш мумкин. Айниқса, аёллардаги камқонлик, ўсмталар ўсиши, ҳафақонлик, сариқ касалликлар шулар жумласидандир.

Биз юқорида қўйлар қувғинда, қудуқлар қуриб битган, дедик. Фикримизни исботлаш мақсадида Учқудуқ туманидаги 40 та, Томдибулоқдаги 27 та, Конимех туманидаги 19 та қадимий қудуқлардан сув чиқмай қолганини қайд этмоқчимиз. Натижада ҳар уч туманда юзлаб қўйчилик отарларига сув машиналарда ташиб бериляпти. Агар эҳтиёт қисм, бензин харид нархининг ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, муаммо тўлароқ намоён бўлади. Чўпон-чўliқларда шундай ибора бор: чакмон ёзсанг хас илинса, қўй-қўзи рисқини топади. Лекин аҳвол шу даражага етдики, чакмонга хас ҳам илинмай қолди. Шу боис қўйлар кўрада ва қувғинда...


Масаланинг яна бир ачинарли томони — бу Навоийда 17 та у ёки бу саноат корхонаси бўла туриб, фосфорид заводини ҳам Қизилқумга жойлашганидир. Қарийб 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 7-8 минг киши ишлайдиган бу завод ҳам ҳозирда шу минтақанинг «Қорақота» давлат хўжалиги ҳудудига қуриляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ, ҳали завод ишга тушмай туриб ҳамма ёқни йўл ва йўлкалар босиб кетди.

Хўш, эрта-индин бу завод ишга туширилса ўзи шунчалик кўп саноат корхоналари чиқиндиларидан нафас олаётган атрофмуҳитга, қолаверса шу ер аҳолисига қандай таъсир этаркан?!

Қиссадан ҳисса шуки, нима бўлганда ҳам табиат билан, унинг ноёб бойлиги — яйлов чўллари билан ўйнашмаслик керак. Қизилқумда, қўйингки, мустақил Ўзбекистоннинг қайси бир минтақаси ҳамда ҳудудида неки кўрсак, нима яратсак эртани ўйлаб, келгуси авлодни ўйлаб иш тутайлик! Олмоқнинг бермоғи бор, деган халқ нақли ўтмиш авлодлардан бизга мерос. Шундай экан, бемавриd хатодан, гуноҳи азимдан тийилайлик. Энг муҳими, чорвачилик, маъмурчилик манбаи бўлган, сийнасига не-не қазилма бойликларни яширган Қизилқумни наслларга асл ҳолича қолдирайлик.


Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭНГ БУЮК БОЙЛИГИМИЗ - ҚАРДОШЛИГИМИЗДИР!









Туркия Жумҳурияти Бош вазири
муҳтарама
ТАНСУ ЧИЛЛЕР хоним афандининг
Ўзбекистон Республикасига
зиёрати ҳар иккала давлат халқлари учун
бахт ва саодат келтиришини тилаймиз!

FIRMA DEMIR



СЎЗИМ ПАРВОЗ ҚИЛИБ ҚАЛҚИСИН, ЁЛҚИН ЧЎҒДАЙ РАСО БАЛҚИСИН!

Абай таваллудининг 150 йиллиги юртимизда «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати авж олган бир пайтда ўтмоқда.

ЗУЛМАТДАН ЗИЁ

Абай (Иброҳим) Қунонбоев XIX асрнинг иккинчи ярмида яшади. У ҳозирги Семипалатинск вилоятидаги Чингизтоғ ёнбағирларига жойлашган Тубиқти уруғидан булиб, 1845 йилнинг 10 августида дунёга келди. Абай ун ёшга чиққунча ота-онасининг қулида тарбияланиб, бошланғич маълумотни овулдаги муллалардан олади. Кейин отаси уни Семипалатинск шаҳрига олиб бориб уқишга беради. Бу ерда ёш Абай аввалига Абдужаббор, сунг эса Аҳмадмирзо деган муллаларнинг қулида таҳсил олади. Бу муллаларнинг ҳар иккаласи ҳам уша жойдаги масжидда имомлик қилар эдилар. Мадраса ҳам шу масжид қошида булиб, уқиш араб, форс тилларида юритилар эди. Абай бу ерда уч тилда таҳсил олди. У узи билан бирга уқийдиган талабаларга нисбатан зеҳнли ва фаҳм-фаросатли булган. Шунинг учун ҳам дарс сифатида утиладиган адабиётларни у тез узлаштирар, мадрасада олган билимидан ташқари уз устида ишлар, араб, форс, турк тилларида чоп этилган китобларни севиб уқир, кунглига ёққан мисраларни ёд олар эди. Шундай қилиб, Навоий, Саъдий, Хужа Ҳофиз, Фузулий, Фирдавсийлар унинг севимли шоирларига айланди. У пайтларда фикрий доираси мадраса тушунчаси чегарасидан нарига чиқолмайдиган ёш Абай:

Фузулий, Шамсий, Сайқалий,

Навоий, Саъдий, Фирдавсий,

Хўжа Ҳофиз ° Сиз ҳаммангиз

Мадад беринг, қилмангиз осий, — дейди.

Мадрасада уқиб юрган чоғларида Абай фақат мусулмонча уқиш билан чекланмай, Семипалатинск шаҳридаги «Приходная школа» деб аталувчи мактабга кириб русча ҳам таҳсил ола бошлайди. Лекин у ун уч ёшга киргач, отаси уни эл бийлатиш учун уқишдан бушатиб олиб кетади. Бу пайтда Қунонбоевлар яшаётган саҳро ва бу ердаги ижтимоий вазият, одамларнинг ҳаёт тарзи жиш мас ди. Агар ухшатиш жоиз булса, бу саҳро зулматдан бошқа нарсага киёс қилиб булмасди.

Абай уқишдан қайтиб келди-ю, уша зулмат уни уз домига тортди. Овулда булаётган нодонлик, қонунсизлик, зуравонликни куриб, беихтиёр уларга қарши кураша бошлади. Бошига катталарнинг иши тушган Абай ҳаёт ижир-чижирларига зийраклик билан қараб, бу иллатларнинг келиб чиқиш сабабларини ахтара бошлади, аста-секин ҳаётга аралашиб, ижтимоий тузумдаги қарама-қаршиликларнинг туб илдизини ва бунинг боиси нимада эканини тушуна бошлади. Бу унга катта ҳаёт мактаби булди.

Айтиб утганимиздай, Абай русча мактабда фақат уч йилгина таҳсил олди. Бу билими билан у ҳеч нарса қила олмас, шу боис русча уқишни 27-28 ёшлар чамасида қайта давом эттирди. Шаҳарда китоб мутолааси билан машғул булиб юрган чоғида кутубхонада бир рус зиёлиси билан танишиб қолади. Бу одам Петербургдан сургун қилинган сиёсий муҳожир Михаэлс эди. Абай бошқа муҳожирлар билан ҳам танишади. Бу одамлар Семипалатинскдаги русларга, амалдору судьяларга мутлақо ухшамасди. Шимолий Қозогистонга Т. Шевченко сургун булиб келганида Омба шаҳрига куплна рус уқимишли зиёлилари ҳам бадарға қилинган, булар орасида Буташевич — Петрашевский, Дуров каби кишилар бор эди. Сургун қилинганлар орасида Чернишевскийнинг куплна танишлари ҳам булиб, уларнинг қалбида чор ҳукуматининг сиёсатига нисбатан битмас-туганмас нафрат бор эди. Улар хоҳ Сибирда, хоҳ Қозогистон чўлларида, қаерда юрмасинлар, подшо ҳукуматининг қул остидаги барча мазлум халқларга хайрихоҳлик кўрсатар, дўстона муносабатда булишар эди. Шунинг натижаси уларок улар рус халқининг асл фарзандлари — Пушкин, Лермонтов, Толстой, Салтиков-Шедрин, Чернишевскийлар билан қозоқ даласидаги халқларни таништирдилар ва дўстлаштирдилар. Бу эса уларнинг қозоқ халқига қилган буюк хизмати эди.

Гарчи Михаэлс табиат илми билан шугулланувчи олим эса-да кенг маълумотли киши эди. Ҳақиқатан ҳам у Абайга қандай китобларни, қайси китобнинг қайси бобларини уқиш кераклигини урҳаэлс ва бошқалар каби сиёсий муҳожирлар булмаганида эди, Абай бу даражага етмаган булади... Улар Абайни илм ва маданият сари етакловчи сиёсий маслаҳатчилари эди...».

Абай уз уйида Михаэлс билан бирга бошқа сиёсий муҳожирларни ҳам меҳмон қилиб, турли мавзулар устида баҳслашар эди. Бу ҳақда уша пайтда сургунда юрган Леонтьев деган киши қуйидагича ёзади: «Мен бу ерда қиргиз (уша вақтда қозоқларни қиргиз деб аташар эди — Н. Ф.) чолни биламан. У билан биринчи марта учрашганимда у мендан индукция билан дедукциянинг фарқини сураб қолди. Кейинчалик билсам, у инглиз файласуфларининг рус тилига таржима қилинган асарларини ҳам уқир экан».

Албатта, шоирнинг бу хатти-ҳаракати маҳаллий амалдорларга ёқмади. 1886 йили уезд начальниги Новорицкий Абайнинг уйида тинтув утказди. Лекин бу тинтув ҳеч қандай натижа бермади.

Сиёсий сургундаги кишилар Семипалатинскда юрган чоғларида катта бир кутубхона, улкашунослик музейи ташкил қилдилар. Улка илмий-текшириш даргоҳини туздилар. Бу саъй-ҳаракатлар ҳам йирик-йирик илмий ишларнинг ёзилишига ва маърифатпарварлик ғояларининг қозоқ даласига ёйилишига сабаб булди. Албатта, бу саъй-ҳаракатларнинг бошида Е. М. Михаэлс турар эди. Абай бу уқимишли рус дусти ҳақида бундай деб ёзади: «Агар шароити дуруст булганида, шубҳасиз, у иккинчи Менделеев булган булар эди. У ҳеч букилмас, айнимас, мард киши эди».

Ҳа, Абайнинг қадрдон дусти ва суҳбатдоши Михаэлс шундай киши эди. Унга ва унинг фаолиятига кўпроқ урин берганимизнинг боиси шуки, Абайнинг 80-йиллардан кейинги ижоди ва ижтимоий фаолияти Михаэлснинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Михаэлс ва бошқа сиёсий муҳожирлар билан қилган суҳбату мулоқотлари Абай учун катта сабоқ булди. Улар олиб келган илғор ғоялар уша давр сиёсий ва иқтисодий ҳаёт тарзини тушунишда Абайнинг йулини нурдек ёритди. Илгари Абай уз халқининг аянчли тақдирига ачинар, ундан қутулиш чораларини ахтарар эди. Энди шоир уз йулини топди. Шоирнинг уз ибораси билан айтганда: ...юрагининг кузи очилди...

Уз навбатида Абайнинг ёзган асарлари зулматга гарқ булиб, мудраб ётган бепоён қозоқ саҳросида нур булиб, зиё булиб халқнинг дили ва онгини ёритди.

Бу нур, бу зиёнинг умри боқий булгай!

Носир ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон Давлат мукофоти ҳамда Қозоғистон Президентининг Тинчлик, маънавий ҳамжиҳатлик учун халқаро мукофотининг совриндори.

ОФТОБДАЙ ЧАҚНАБ ТУРГАН ҲИКМАТЛАР

(Нуқралардан нуқраларга)

• Ақл-қора қилни-қирққа ёрар
Ҳар нарсага ўзидай баҳо берар.

***

• Асл одам — айнимас.
Туз йўлидан қайтилмас.

***

• Чин ошиқлик ишқивозлик — икки йўл,
Ишқивозлик — нафс учун бўлади қул!

***

• Ишонгин сен, ақлингга, меҳнатингга,
Икки ёқдан уплар сени, йиқитмас.

***

• Эринмай, сўз аслин мендан сўра,
Сўзимнинг туби — теран, найқаб қара!

***

• Сўзни чертиб сўйласанг, ҳар ким сийлар,
Мақол қўшиб сўйлашган кекса бийлар.

***

• Куйлай-куйлай, ўланимда мен,
Авлодимга мендан чин сўзим қолсин!

***

• Аслида одам боласи соғ бўларми,
Уйида текширилмас доғ бўларми,
Эри аччиқ айтса, хотин юмшоқ айтиб
Ўтирса, бурунгидай, ёв бўларми!

***

• Мақтанишнинг ҳайри йўқ, яхши билгин,
Донолардан ўрганиб, амал қилгин!
Ўз баҳонгни сендан ким ҳам сўрайди,
Яхши бўлсанг эзгулик тухмин сочиб кет!

***

• Ўзингдан ошинг олган, на билсин,
Ҳақиқату дин деганинг таг-тубин!

***

• Беҳуда ган ўйлама, бўлма беғам,
Ору номус сотма, умр бозорида!

***

• Орзу — яқин, кўнгил бўлса оқ,
Бормикин, бундайин, азиз чоқ!

***

• Сўз бошн, аввал, ҳадис, оят бўлар,
Ширази ҳам, маъноси ҳам гоят бўлар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ тайёрлаган.

* * *

Абай бир даврада:

— Давосиз дард нима, арзон гап нимаю қиммат гап нима? — деб сўраган экан, шунда Бегеш дуван чечан:

— Давосиз дард — қарилик, арзон гап — ўтирик, қиммат гап — ҳақиқат, — деб жавоб беради. Бегеш дуван чечаннинг ҳозир-жавоблигидан хурсанд бўлган Абай:

— Отанг Бекназар Қўшайдан яна сендек бир ўғил туғилармикан? — деб чечанга иззат-икром кўрсатибди.

***

Абайнинг олдига Шақантой деган манзилдан меҳмонлар келиб, зиёрат қилиб, қўноқ бўлиб ўтирган экан. Абай даврадагилардан:

— Қаттиқлар ичида нима қаттиқ, тотлилар ичида нима тотли? — деб сўрайди. Шунда шақантойлик Тўлтой деган киши:

— Қаттиқлар ичида қотган қурут қаттиқ, тотлилар ичида қант тотли, энг яхшиси эса қурут билан қантни қўшиб емоқ! — деб, ҳаммадан аввал жавоб беришга шошилган экан. Унинг ҳовлиқмалигидан, Абай ҳузурида ўйламай гапирганидан изза бўлган шақантойлик яна бир меҳмон Ўшибой ўрнидан ирғиб туриб:

— Ҳой кучук! Ўтлаб кетдинг-ку! Қаттиқлар ичида қаттиғи — йўқчилик, тотлилар деган учар гап ҳар доим қозоқ овуллари бўйлаб таралиб кетган...

Абайнинг отаси Қунонбой ҳожи вафот қилганда Тубиқти эли жанозага йиғилибди. Бойқўкча оқиннинг ёнида турган Есентой деган киши оқинга:

— Қунонбой бобони таърифлаб бир йўқлов айт, ҳамманинг эсида қолиб, айтиб юрадиган бўлайлик, — дебди. Бойқўкча айтибди:

— **Сардор эдинг зўр лашкар бошлайдиган,**

Қариндошлар дов қилса шошмайдиган,

Арслон бўлиб туғилган асли инсон,

Курашганни олисларга ташлайдиган.

Туққан чоғинг билиндинг ўрта жузга,

Той чоғингда пойга солдинг ёвон тузга.

Қунон чоғинг уч жузга ҳам пойга бермай,

Қунонбой бўп кўриндинг шунда кўзга.

Дунан чоғинг дубурлаб эсган елдай,

Душманингни чўкдириб қўйдинг тизга.

Умрингизда талашса ҳам талай душман,

Кўз олдимда бошин эгди бари Сизга.

Ҳой тўбиқти болалари, ҳой жамоат,

Тирик валий топилмас энди бизга! — деб йўқлов айтибди. Есентой шунда:

— Қунонбой бобомнинг қарзи қолганми, тўловлари борми? — деганда, Бойқўкча айтибди:

— **Қунон сўзи Бухоронинг деворидай,**

Мулла айтган китобнинг дуосидай.

Қунон кетди, олди нур, ёруғ бўлсин,

Ортида олтин қолди от бошидай, — деб Абайни кўрсатибди.

Ўзбекчага Музаффар АҲМАД уйғунлаштирган.

ОҚИН ДАВРАСИДА

ТЎЛҚИН
АБАЙ ЎЛАНИ

Ўланчи қиз айтган ўлан қозоқ юртида
Шамолларнинг елкасида олис учдилар.
Абай сатри дилдан-дилга бир-бир ўтди-да,
Тинглай дея минг-минг юлдуз пастга тушдилар.

Янграганда Абай шеъри — Абай ўлани,
Унда қозоқ даласининг кенглигин кўрдим.
Яссавию Навоийлар кеттач уланиб,
Қардош халқлар аҳиллигин, тенглигин кўрдим.

Шеър-ғазалда чин садоқат, меҳру-муҳаббат,
Қўш-қўш байтлар икки халқнинг дўстлик садоси.
Ўзбек-қозоқ ўртададир толе қувонч, бахт,
Ўзбек-қозоқ, икковининг битта Худоси!

Дўмбиранг чал, ўланингга ўлан қўшаман
Қулоғингга айтадиган гапларим кўпдир.
Ўлан айтсанг, Амударё бўлиб жўшаман,
Ўлан айтиб ўтган умр ширинлир, хўбдир.

Қўлингдаги дўмбиранинг наволарида
Чўнг буғдойлар далаларнинг шовуллаши бор.
Тиниқ осмон, атир пуркар ҳаволарида,
Ишқ қуёшин ёниб туриб ловуллаши бор.

Ғазал тинглаб ўлан айтган, эй ўланчи қиз,
Юрагингни ўланингга тўкиб, дил бўшат,
Қимиз тутдинг, қимиз ичдим юзларим қирмиз,
Қимиз тутган қўлларингдан бир бора ушлат!

Чигирткалар чириллаган сокин тун, яйлов,
Меҳмон бўлиб пастга тушар тўлин Ой, бай-бай.
Ўлан айтиб тортишамиз адирда икков,
Ўлан билан бирлаштирди бизларни Абай.

Майин-майин таралади бепоён қирга
Сену менга бирдай азиз Абай ўлани.
Она шаҳрим Тошкентимга кетайлик бирга,
Фақат менга ўлан айтиб турсанг бўлгани.

ШОДОН ТАБАССУМ ВА ХУШ КАЙФИЯТ

тақдим этувчи
"СТОМАСЕРВИС"
хусусий стоматология поликлиникасида



ҳафтанинг 7 кунида — кечаю-кундуз, дам олишсиз
ТЕРАПИЯ, ЖАРРОҲЛИК, ОРТОПЕДИЯ
соҳалари бўйича мутахассислар Сизга тиббий хизмат кўрсатишга ҳозиру нозир.

Рентген хонаси, лазер терапияси, физиотерапия, металлокерамика, шунингдек, парадонт сингари барча касалликларни даволаш бўйича мижозларга хизмат кўрсатилади.
СТОМАТОЛОГИЯ **соҳасида жаҳоннинг етакчи фирмалари техникаси ва дори-дармонларидан фойдаланиб, замонавий технологияни қўллаш даволашни оғриқсиз ўтказади.**

Майин мусиқа, қаҳва ёки бир пиёла чой мажбурий муолажоларга ҳузур бахш этади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси,428-уй.(Мўлжал: Тошкент трактор заводи)
ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 64-39-16, 69-89-65.
"СТОМАСЕРВИС" — ЮҚОРИ СИФАТ ВА УЗОҚ МУДДАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

Шатранж оламида

УЧ ЙЎНАЛИШЛИ ИНТИЛИШ

Ҳам аёллар, ҳам эркаклар ўртасида жаҳон шахсий биринчилигининг саралаш ўйинлари илк марта Тошкентда ўтказилаётганлиги спорт ҳаётида чинакам байрамдек нишонланмоқда.

Иштирокчилар олдида бир-бирига боғлиқ уч мақсад турибди. Энг муҳими, кейинги босқич мусобақаларига ягона йўлланмани олиш бўлса, иккинчиси малакадаражасини ошириш учун қўйилган талабларни ўринлатиш ва ниҳоят, таъсис этилган совринларнинг иложи борича каттароғини қўлга киритишдир. Хўш, кураш қандай кетяпти?

Мусобақанинг биринчи ярмидан сўнг эркаклар турнирида тошкентлик халқаро гроссмейстер Александр Ненашев олти имкониятдан беш, Ўзбекистон чемпиони, самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин эса етти имкониятдан 4,5 очко олган ҳолда жадвални бошқариб турдилар. Навбатдаги 8-тур пешқадамларни бир-бирига рўбарў қилди. Қора доналарни сурган Шуҳрат эски ҳинд ҳимоясини танлар экан, ҳар қандай бемуроса жангга шайлигини намоён қилди. Гроссмейстер эса рақибига ён бериш эвазига қалтис ҳаракатлардан ўзини тийиб турди. 20 тадан ортиқ юриш қилинса-да тахтадаги жанговар доналарнинг биронтаси ҳам сафдан чиқмади. Ҳарифлар шу ҳолатда битим тузишни маъқул кўрдилар...

Шундай қилиб мусобақанинг 3/2 қисмидан сўнг А. Ненашев 7 тадан 5,5 очко олган ҳолда танҳо карвонбошилик қилмоқда. Ш. Сафин 8 тадан 5, мўғилистонлик Д. Шаравдорж, тошкентлик С. Йўлдошев, қозоғистонлик Р. Иржанов 4,5 тадан очкога эга.

Аёллар мусобақасида Қозоғистон вакилларининг имкониятлари юқорироқ эканлиги олдиндан маълум эди. Чунки, малакали шахматчилар сони жиҳатидан уларнинг устунлиги муқаррар.

Ўзбекистон чемпиони, халқаро мастер Ольга Ким қандайдир тасодифларга кўра юртдошларига қарши ўйинда ўзини кўрсата олмаяпти. Чунончи, 8-турда у тошкентлик Рена Мамедовага қарши бахсда муайян стратегик ноаниқликлар оқибатида ўзини сира ўнглай олмади ва охири бой бериб қўйди. Бу нарса пешқадамлик мавқеидан уни маҳрум этди. Ҳозирча аёллар турнирида ҳам 7 имкониятдан 5,5 очко жамғарган қозоғистонлик Тамара Клинк пешқадам бўлиб турибди. Асли Ўзбекистон шахмат мактабининг тарбияланувчиси, ҳозирда Алматида яшаётган халқаро мастер Флюра Ускова (Ҳасанова) ҳам шунча очкога эга бўлса-да, у битта ортиқ партия ўйнаган. Қозоғистонлик халқаро гроссмейстер Элвира Сахатова 5 ва Ольга Ким 4,5 очкога эга. Мусобақалар қизғин паллага кирган.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

Гиёҳвандлик — иллат

КИМ ҚИЛМАГАЙ, КИМ ТОПМАГАЙ

Кўринишидан дуппа-дуруст юрадиган Қарши тумани Чўли ота номли жамоа хўжалигининг Дашт қишлоғида яшовчи Завқи Авазов Ғузор туманидаги насос станциясида механик бўлиб ишларди. Буни қарангки, у ҳовлисига яширинча ҳинд нашасидан экиб қўйган экан.

Завқи Авазовнинг яширин деҳқончилик «тадбири» туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан фош этилди. Ҳовлисида 4 квадрат метр майдонда 24 туп ҳинд каноплиси (наша) ўстираётганида қўлга олинди. Уйидан тинтув ўтказилганда 594 грамм наша талқони, 25 грамм наша уруғи топилди. Яна бир томони Завқи Авазов эккан нашасини ёмон кўзлардан асраш учун «ТОЗ-8» ва икки пилли-ов милтиғи ҳам асраётган экан.

Ким қилмағай, ким топмагай...

Завқи Авазов ўз феъли-қўйидан топди.

ФОШ ЭТИЛДИЛАР

Қашқадарё вилояти туманлари ички ишлари ходимлари томонидан ўтказилаётган «Қорадори-95» тезкор тадбири туфайли қатор жиноятлар очилди. Оқибати оғир фожиаларнинг олди олинмоқда. Бунга Қарши тумани ички ишлар бўлими ходимларининг кейинги бир ярим ой мобайнида 10 дан зиёд гиёҳвандликка оид жиноятни фош этишганини мисол қилиш мумкин. Бешкент шаҳар Навоий кўчасидаги 45- уйда яшовчи нафақахўр Виктор Шепин ҳовлисидан 109 туп кўкнор, «Қарши» жамоа хўжалиги Чавкат қишлоғида яшовчи Фахриддин Чориевнинг ҳовлисидан 112 туп кўкнор ва 9 туп наша ўсимлиги, Ю. Хушвақтов номли жамоа хўжалигининг Жумабозор қишлоғида яшовчи Қўзи Қаюмовнинг ҳовлисидан 30 туп кўкнори,, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи Ғайриддин Ширинов ҳовлисида 6 туп наша ўстираётгани аниқланди, заҳри қотил йўқ қилинди.

Ҳаётимизга ёт бир иллатни фош этишда милиция майори Розиқ Бердиев, милиция лейтенанти Алишер Маҳмудов, катта лейтенант Парда Норматов, капитан Ғофир Имомов, катта лейтенант Бахтиёр Дўлтаевларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«АЛТАЙ» РАДИО-ТЕЛЕФОН АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1995 йил 12 июндан корхоналарга радио-телефон алоқа хизмати учун янги тариф белгиланди:

Радио-телефон ўрнатиш учун — 13500 сўм.

Хусусий радио-телефон қурилмасига эга бўлган абонентлар учун 3 ойга абонент тўлови — 2580 сўм.

ҚАФК ижарага берган радио-телефон қурилмаси учун 3 ойга абонент тўлови — 3150 сўм.

Ҳар 3 ойда абонент тўлови учун КАФК дан счётни олиб тўлаш шарт.

Маълумот учун телефонлар: 42-83-73, 44-25-67.

Манзил: Беруний кўчаси, марказ-27. 42-АТС.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва адабиёт жамғармаси шоир, жамғарма директори Ҳамроқул Асқарга отаси

Раҳмат АСҚАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Конституциявий ҳуқуқ кафедраси доценти Озод Тиллабоевич Ҳусановга рафиқаси

Тамара Умурзоқовна ҲУСАНОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:


Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 19. 00

1 2 3 4 5 6.